

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
КАРОРИ**

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УЙ-ЖОЙ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Халқаро ва хорижий молиявий институтларнинг имтиёзли узок муддатли кредитлари ва инвестициялари, шунингдек Республика давлат бюджети маблағлари Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ипотека кредити беришни кўллаб-куватлаш жамғармасини ташкил килиш тартиби түгрисидаги тақлифни, шунингдем Жамғармани шакллантириши ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби түгрисидаги низом лойхасини киритсилар.

3. Белгилансинки, ипотека уй-жой қурилишини кўллаб-куватлаш учун Жамғарма «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкida, ипотека кредити бериш дастурда катнашувчи бошча банкларда шартнома асосида кредит линиялари очади ва кейинчалик улар якка тартибдаги уй-жой курувчиларга:

Ўзбекистон Республикасининг «Гаров түгрисида»ги Конунига мувофиқ, қурилётган уй-жой (бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари) жойлашган ер участкаси билан бирга гаровга кўйилганда кредит беради;

ипотека кредити бериш муддати — иккى йиллик имтиёзли давр билан камидан 15 йил бўлган;

олиндилик кредит бўйича фоиз ставкаси — йилига кўпил билан 5 фоиз бўлган; уй-жой курувчининг дастлабки бадали маҳбурий микдорига кўйиладиган талаблар — кўпил билан 20 фоиз бўлган шартлар асосида кредит беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташкил Иқтисодиёт алоқалар агентлиги, «Ипотека-банк» ва тижорат банклари билан биргаликда уй-

жой қурилишига ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молиявий институтларнинг имтиёзли узок муддатли кредитлари, грантлари ва инвестицияларини жалб эталорларини кўрсинг.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилги Инвестиция дастурда кўзда тутилган 2 миллиард сўм миқдоридаги маблағни сертификатли уй-жой қурилишини ривожлантириш учун Ипотека кредити беришни кўллаб-куватлаш жамғармасига йўналтирилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Молия вазирлиги «Давархитектурилиш» кўмитаси, Давлат солик кўмитаси, Адлия вазирлиги ва тижорат банклари билан биргаликда З ой муддатда қўйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсилар:

«Ипотека ва уй-жой қурилишига ипотека кредити бериш түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни лойхаси;

Уй-жой қурилиши, турар жойларни реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш түгрисидаги низом.

Шу билан бирга ушбу ҳужжатларда ипотека кредитлари ажратишнинг пухта ва очиқ-ошкора механизми, кредит тўлумнаган тақдирда низоларни ҳал этиш, мулкчилик хукукининг ўтиши ва уйдан кўчириш, кредиторларнинг заарларини кафолати коплаш ва бошқа масалалар назарада тутилсан.

7. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 январигача тижорат байкларининг ипотекага кўйилган мол-мулкни сотишдан ва берилган ипотека кредитларидан олинган даромади даромад (фойда) солигидан озод этилади.

8. 2010 йилгача бўлган даврда уй-жой қурилишини ва уй-жой бозорини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республика-

каси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар тасдиқлансан.

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иккى ой муддатда 2010 йилгача бўлган даврда минтақаларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирларни ишлаб чиқсанлар ва тасдиқлансан, унда:

ер участкалари ажратиш ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши масивларини комплекс холда барпо этиш;

якка тартибдаги уй-жой қурилиши масивларини маҳаллий бюджетлар маблағлари хисобига зарур мухандислик коммуникациялари билан таъминлаш;

якка тартибдаги уй-жой курувчиларнинг маҳаллий қурилиш материаллари ва конструкцияларига бўлган талаб-этиёжларини кондириш;

реконструкция қилинадиган ёки бузиладиган уй-жой фондинга аниллаган бўлди оммавий сервирдаги илгари қурилган кўп хонадонли уйларни реконструкция қилиши назарда тутилсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда Конуни ҳужжатларни мазкур карордан келиб чиқидиган ўзgartirish ва кўшимчалар түгрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсан.

10. Мазкур кароринг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринbosari Р.С.АЗИМОВ зинмасига юқлатилин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 16 февраль.

**ПОЙТАХТИНГ
БИР КУНИ**
Янгиликлар, воқеалар

КИСКАРДА

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимилигидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-куватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар түгрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишилаб ўтказилган йиғилиша туман фаоллари, маҳаллалар хотин-қизлар коммисиляри раислари, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этиши.

• **БУГУН** «Ноҳо ва оила маросимлари» марказида ҳар йили анъанаий тараздаги ўтказиб келинаётган «Оила курувчилар» мактабининг янги мавсумдаги очиши маросими бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туман ҳокимилигидаги туман фаоллари иштирокида жамият-тараққиёти ривожида аёлларнинг ўрни масаласига бағишилаб ўтказилган тадбир туман хотин-қизлар кўмитаси, «Махалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уютирилди.

• **БУГУН** Юнусобод туман ҳокимилигидаги маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, туманнинг аёллари иштирокида туман ҳокимилигум, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Махалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкил этилган тадбирда хотин-қизлар кўшимчалар хукукий саводхонлигини ошириш музҳим масалалар эканлиги таъкидланди.

• **БУГУН** Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида аёлларнинг хукукий саводхонлигини ошириш масаласига бағишилаб ўтказилган семинар «Элнажот» нодавлат-нотижорат хотин-қизлар ташкилоти томонидан уютирилди.

• **БУГУН** Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицейда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан уютирилган кўрик-тандовда шахримиз туманлари ўқув мусассасаларининг «Камолот» етакчилари иштирок этиши.

• **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавий тараққиёт» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида фазал мулкининг сultonни Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш масаласига бағишилаб тадбир ўтказилди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Флоренция» қаъвахонасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан мактабларнинг 9-11-синф ўқувчилари ўтасида ўтказилган тадбир «Энг яхши жуфтлик» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимилиги
Матбуот хизмати ва ўз мухbirilarihimiz хабарларидан.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада ҳафғизил ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Словения ташкиларини Конуни Димитрий Рупель раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлислик Конунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан утрашди.

Мулоқот чориги Олий Мажлисликнинг кўйи палатаси ва ЕХХТ парламент ассамблеяси ўтасидаги алоқаларни ривожлантиришига оид масалалар муҳокама этилди. ЕХХТ раиси мамлакатимизда қонунчилик соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди. Ҳусусан, иккى палатали парламент тизимининг шакллантирилганни бу йўналишдаги муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлadi.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда Д.Рупельга ҳамроҳ бўлиб келган словениялик ишбилиарон доиралар ва ўзбекистонлик тадбиркорлар вакиллари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Словения ўтасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ортиг бораётган бўйса-да, уни имкониятлар даражасидаги деб бўлмайди. Юртимизда Словения сармосяи иштирокида ташкил этилган «Интернок» кўшимча корхонаси фаолият кўрсатади. Тошкентда мазкур мамлакатининг «ЛЕК» фармацевтика компанияси ҳамда «КРКА» фармацевтика заводининг ваколатхоналари очилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожидан иккى мамлакат ҳам бирдек манфатдор эканини таъкидлadi.

Музокара жаёнинда меҳмонлар Ўзбекистоннинг саноати ва иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишилар. Юртимизда ишлаб чиқарилётган маҳсулотларни Словенияга экспорт-қилиши юзасидан фикр алмашиди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
Акмал НАЗАРОВ,
Ўз мухбирлари

«Мустақиликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади». Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маъruzасида айтилган бу фикрлар ижтимоий-сийёсий ҳаётимизда муҳим дастурламадид.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтган анжуман давлатимиз раҳбарининг мазкур маъruzасида кўйилган вазифаларни ижросидан ташкил анжуманни таъминлашга доир мажлиси семинарлар ташкил этишига кешишиб олиниди. Бундай тадбирлар мажрузада акс этган асосий ғояларни чукур ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш имконини беради.

Академия ректори К.Назаров

2005 — Сиҳат-саломатлик йили

ОНА-ТАБИАТНИ АСРАНГ!

Атроф-муҳитни муҳофазалаш ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурда белгиланган вазифалар сирасига киради. Ушбу дастур доирасида Халқ таълими вазирлиги томонидан «Она-табиятни асранг!» мавзууда кўргазма-танлов ташкил этилди. Унда Республика болалар ижодиётни маркази ўқувчилари ишлаган расмларга кенг ўрин берилган.

Кўргазмада намойиш этилаётган суратларда болаларнинг олам ва одам ҳақидаги содда, самимий тасавvурларни акс этган. Бу ижод на-муналари кишиларни табиятни асрар-авайлашга, унга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиши

га ундейди.

Танловда Ирина Бучок биринчи, Фахрилдин Яхшиев иккичи, Наргиза Бакирова чизган расмлар учинчи ўринга лойиҳа топилди.

Н.УСМОНОВА,
Ўз мухбира

Они Мажисда

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН БРИФИНГ

16 февраль куни Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбарияти иштирокида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Мазкур фракция раҳбари Аслиддин Рустамов журналистларга Тадбиркорлар ва ишбилиармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Адоллат» Социал-демократик партияси фракцияларининг «Демократик блок»ка бирлашганлиги муносабати билан ҲДП нуқтаи назари ҳақида ахборот берди.

Ушбу масала ХДП фракциясининг 14 февралда бўлиб ўтган йигилишида муҳокама этилди ва унинг натижаларига кўра тегишли баёнот қабул қилинди.

Узбекистон ХДП фракцияси, дейилади ушбу хужжатда, парламентда кўпчиликни ташкил этувчи учта партия парламент фракциялари блоки тузилганини мамлакатимизда профессионал парламентнинг қарор топиши ва ривожланишидаги қонуний ва зарурий боскич, деб баҳолайди. Айни пайтада ХДП фракцияси шуни маълум қиласиди, у ўз навбатида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги мухолиф озчилик сифатида фаолият юритади. Фракциянинг ушбу маъсуз вазифани онгли равишда ўз зиминосига олиши сайловчиларнинг салмоқлиқисми томонидан партиянинг

Тошкентда шарк календа-
рига бинонан кириб келган
янги йил нишонланди. Бай-
рам тадбирин Тошкент шахри
ва вилояти корейс маданият
марказлари уюшмаси томо-
нидан ташкил этилди. Ўзбек,
рус, татар, уйгур ва бошка
миллат вакиллари иштирок
этган тадбир хакицир бай-
налмил рухда ўтди.

КҮТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Янги йил корейслар күрпок яшайдиган Күйлик-5 даҳасидағи "Баҳор" кафеисида нишонланди. Байрам тадбирида корейс ва дунё милллатлари мусиқалари янгради. Тадбирида сүзга чиққанлар йигилгандарни янги йил билан қызығын кутлашди. Шарқ календарига бинонан хүрөз йили бошланди. Шунинг учун мағұр хүрөз бе-затилган залнинг бу бошидан нариға бошигача ўтиб меҳмондарни хүншуд эти.

Бугунги кунда Корея маданият марказлари уюшмаси Узбекистон ва Жанубий Корея утрасидаги ўзаро ҳамкорлик нинг янада ривожланишида катта хисса кўшмоқда. Мамлакатимизда 24 та корея маданият марказлари фаолият юритмоқда. Улар Жанубий Корея ва у ердаги жамоатчилик маданият ташкилотлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятига эга. Бу эса уларнинг янада самарафи фаолият юритиши учун кўй келмоқда.

корейшии түн күл көлемдө.

Кореянынг мамлакатимиздаги элчионаси томонидан эсатури күргазмалар, халк үйин-лари наомиши, корейс кинофильмлари тақдимоти ва корейс күшкүләрни фестивали милий ва эстрада мусикаларини камраб олган "Корейс маданияти күнләри" тадбири штказилади.

“Туркистан-пресс”

йўналтирилган қонулар тайёрлаш ташаббуси билан чиқади ва улар-нинг қабул қилинишига ҳаракат қилади.

ХДП фракцияси ўзининг қонуний хуқуқлари ва парламентчилик фаолияти механизмларидан фойдаланган ҳолда барча даражадаги ҳокимиёт органлари томонидан ахолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунларнинг бажарилишини, одамларнинг конституцияий хуқуқлари ва қонуний манбаатларининг ҳимоя этилишини танқидий ба-
лаолашни ўз олдига мақсад қилиб
чалишишади.

Фракция таъкидлайдики, Қонунчилик палатасида парламент кўпчилиги ва парламент мухолифатининг расман ташкил топганинги фракциялараро соғлом рақобатини бошланишини, парламентда турили ижтимоий гурухлар ва аҳоли қатламлари манфаатларини ифодаловчи фракциялараро чекловлар ва мувознатанинни сақлашни самарали механизми жорий этилишини анлатади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида мунозара усулининг ривожлантириши қонун қабул килиниши жараёнидаги турили ижтимоий манфаатлар янада кенгроқ ҳисобга олинини, демак, қабул қилинадиган қонунлар ва уларнинг ижроси сифати ошишини таъминлади.

Ўзбекистон ХДП фракцияси етакчиси айтганидек, фракция фракциялараро кураш механизмидан партиянинг сайловолди дастурий мақсадларини измил амалга ошириш ниятида фаоллик ва масъулият билан фойдаланишини мўлжаллаган.

Иктиисодиёт

СИФАТЛИ ФУРНИТУРА БЮМЛАРИ

Бозор иктисидиёти шароити талабларидан келиб чиқкан холда ишлаб чикарувилар харидоригр, ракобатбардош маҳсулотлар билан ички бозоримизни тұлдирисш мақсадларыда меңнат килаяптилар. Шундай жамоалардан бири Сергели тұмандагы "Metfur servis" масъулияті чекланған жамияттың хисобланады.

1999 йилда иш бошлаган жамоа бугунги күнгө келиб 50 нафар тажрибали, қасиға мөхр күйгән ишчи-хизматчиларни ўз сафида бирлаштириб турибди. Чехларга Россия давлатидан юксек самара-ли дастгоҳ, ускуналар хамда линиялар келтирилиб ўрнаштирганинг бойис ҳам буюртмалар ўз вақтида, сифатли ба-жарилишига эришилмоқда. Масалан, ўтган 2004 йилда жамоа аъзолари ишлаб чи-ришдан 21 миллион 340 минг сүм соғ фойда олишига муваффақ бўлишиди.

Айнисса, күркем, замона-
вий, ишлатыща куалай бұлған
хар хил ҳажмдаги карнизлар,
струналар, мебелсозликта,
енгіл саноатимизда көнг
күлпәннелдігап ҳамда сифа-
тига әмбетор қаратаң холда
ҳарбийлар учун фурнитура
буюмлары корхона томонидан
көнг құлмада ишлаб чыкарыл-
моқда. Жамоаның асосий бу-
йортматчилари – "Орзу", "Тонг"
акциядорлық жамиятлари
каби "Енгилсаноат" ассоциа-
цияси таркибиға киругчи кор-
хоналар ҳамда яққа тартибда-
ғы фуқаролардыр.

Корхона тадбиркорлари-
нинг баракали сый-харакат-
лари туфайли ҳам ҳозирги
кунга келиб, маҳсулотлар
тури 100 хилдан ошишига
эришилди.

МАСЬУЛИЯТНИ ОШИРИБ, МУАММОНИНГ ПАЙИНИ ҚИРҚАДИ

Хабарингиз бор, ўтган ҳафта матбуотда Президентимизнинг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришининг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўйсиз кетишига йўл кўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ хисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Карорлари эълон килинди.

Мазкур Қарорларнинг дастлабкисида уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, жойларда уларнинг маҳаллий ҳокимият идоралари, фойдаланиши ва таъмирилган ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни мустахкамлаш максадидга вилоят марказлари, Тошкент шаҳри шунингдек, 60 мингдан ортиг ахоли истикомат киладиган кўп кавати уйлари бўлган шаҳарлarda уй-жой мулкдорлари уюшмасини ташкил этиш белгилangan бўлса, кейнингисида коммунал хизматлар учун истеъмолчиликнинг ўз вақтида ва тўлиқ хисоб-китоб килиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, таърифларнинг асоссиз равишда ўsicib ketishiiga йўл қўймаслик , шунингдек коммунал тармоклардан фойдаланиши, уларни техник жihatдан замонавийлаштириш ва кайта жихозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-ташкил этиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилаётганди. Шу соҳани яхши тушумайдиган кишиларнинг тасодифий шу ўринларга келиб қолиши эса соҳа ривожидаги муҳим тўсиклардан бирни эди. Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиши ва уларни сақлаш нюхоятда кониқарсиз ахволга тушиб қолиши натижасида кўпгина уйлар буткул хароба тусини олганди. Шу боис Президентимизнинг Қарори билан тузилған янги— уй-жой мулкдорлар ширкатлари уюшмаси олида эса ана шу муҳим муаммаларни бартараф этиш билан биргаликда уй жойларни эксплуатация қилиш, кўп каватли уйларнинг ховлилари, уларнинг атрофидаги худудларнинг техники ва санитария ҳолатини назорат қилиши, уларни кузги-киши мавсумга тайёрлаш ва бир маромдаги фаолиятни таъминлашда давлат идоралари билан ҳамкорликда ишлаш вазифалари юклатилган.

техника базасини мустахкамлаш каби шу куннинг долзарлаб муаммолари қамраб олинган.

Сир эмаски, кейинги пайтларда кўп қаватли хонадонларда яшаш, барча коммуналният таҳсилоти таҳдидланган. Президентимизнинг "Уйжой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-таддирлари тўғрисида" ги Карорида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ҳам белгиланган. Тъамирлаш ва тикиш ишлар учун маблаглар маҳаллий бюджетларнинг режадан ортиг тўплланган тушумлари эвазига амалга оширилади...

Хулас, Президентимиз

ларда яшаш, барча коммуналхизматларидан унумли ва самарави вактида фойдаланиши жидий муваммог айланниб улгурганди. Чунки ташкил этилаётган уй жой мулкдорлари ширкатларини мулкдорлар ширкатлари ва ушумасининг намунали ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси хамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини рўйхатга олиш тартиби ва ҳисобга

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Бугунги кунда ички бозорни яхши ўрганмай туриб, маҳсулот ишлаб чиришни ўйлга кўйиб бўлмайди, чунки корхона-ларнинг омбор учун ишлаш пайти аллакаҷонлар ўтиб кетди...

3-4 йилдан бўй «Ўзлек-траппарат заводи» очик акцидорлик жамиятининг ишичча жонланди. Унинг асосий маҳсулотларини эса электр-ўтказгич курилмалари, элек-траппеллар, жумладан халк иштесмоли буюмлари ташкил этди. Корхона тадбиркорлари олиб борган маркетинг таддикотлари натижасида жамоада иш тўғри йўлга кўйиди. Мазкур корхона Марказий Осиёда ўз соҳасида етакчи-си хисобланади ва республика-камизда ягона. Мустакил Давлатлар Хамдустлиги давлатла-рида ҳам корхонанинг электр-маҳсулотлари курилшаш вар-ирик иншоатларда кент-кўлланилади. Шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» Милий холдинг компанияси, ўзбекистон Республикаси Энергетика ва зирлиги каби давлат ташкилотлари унинг ирик буюртмачилари хисобланади.

Жамиятнинг тадбиркорлари доимо изланишда. Улар йилдан йилга янги маҳсулотлар турларини кўпайтириш мақсадларини кўзлабан холда меҳнат кильмокдадар.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Шарқ дурданалари

Озоз ўғанлар домо бўйни...

• Номард киши узрингни кабул этмайди, хатонигни эса кечирганди. Разилона яшагандан кўра мардана ўлган минг марта афзали.

• Атрофдаги барча нарсанни унтиб, факатига бир нарсага ортиқа меҳр кўйиш кўзни кўр, кулоқни кар килади.

• Бир ҳакимнинг айтишича, хушумомалаликнинг ўнта белгиси бор. Улар кўйидагилар: инсоф, ақл, илм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукур, мулоиймик. Мана шу хислатларни ўзида жамлаган одамдан зинхор ёмонлик кутиб бўлмайди.

• Баён қилишларича, бирор идишга мой қўйбўл кўйилган бўлса, унга мой қўйбўл кўйилганини ташкиридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўринишига қараб унинг дилида нима борлиги, кўнглидан не ҳәйллар кечачётанини сезиб олиш мумкин.

• Бир куни бир ҳакимдан: — Ботирлик яхшими ёки ақлу тадбирми? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ботирлик тиф бўлса, ақлу тадбир кўлдир. Агар уларга иш килиш топшириладиган бўлса, кўл тифсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиф кўлсиз бирор иши амалга ошира олиши муаммо! — деб жавоб берди.

• Бир ҳакимдан:

— Кандай одам жазога лойик? — деб сўрадилар.

У эса:

— Ҳеч кандай инсон жазога лойик эмас. Жазога лойик нарсалар ваҳсий ҳайвонлар, одамларга зиён этказадиган илончайни каби газандаларид. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вуҳудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай қишилар қылган ёмонликларга яраша жазоландилар. Шу тариқа қишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўринид!

• Унутмагини, киши ҳеч қачон таъмрагир бўлмаслиги керак. Қишининг бошига таъмдан тури балолар келади. Сал нарса учун киши фазабланмаслиги керак, чунки киши учун дунёда фазабдан кучлироқ нарса йўк. Фазаб келган пайтда киши ўзининг нима қилаётганини ўзи билмайди. Одам қишиларни ўз феълига мослаштиришига уринмаслиги керак. Балки одамлар кандай феъльда бўлса ўша феъльга мослашмок керак.

• Жолинус ҳаким вафот этгач, унинг хонасидан хат ёзилган киудаги коғозни топдилар: «Энг ахомоқ ва нодон киши шундай кишили, топган емишини — у нима бўлишидан қатни назар, тұтхатмай оғзига сола-верди. Вахоланки, табобатда айтилишича, ўртача ейиш саломатлик гарови!».

Байт:

**Танпарварлик бўлса
доим хаёлинг,
Качон сенга кулиб
бокади икбол?**

**Гар гадосан гарчи
шоҳнинг лашкари,
Нафсинг орзусини
йўқоттил дарҳол.**

• Унутмагини, ўз дардини табибдан яширган одам ўзига хиёнат қылган бўлади.

Нима учун бу ҳақда сўз бошлади? Қарангки, ўкув юртлари ва маҳаллалар томонидан тергов иши кўзғатилган шахсларга оид берилган айрим тавсифномаларни кўздан кечирганимизда, уларнинг асосий қисмидаги раҳбарлар ўзларининг инсон тақдиди, кўп ҳолларда ёшларга бўлган бефарқлигини сезидирмаслик максадида мана шундай ижобий таърифлар көлтиргани.

... Колянинг жазони ўташ жойидан кайтганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. У беш ой илгари ўғрилик содир этгани учун жиноят жавобгарликка тортилганда ва авф этиш часори кўлланилган туфайли муддатидан олдин озодликка чиқди. Жиноятга кўл урган кезаларида у хали 18 ёшга тўлманди. Яшаш жойидан судга ўйлланган тавсифномада эса Коля маҳаллада фоллиги билан ажраби туриши, интилувчанилиги, оиласда катта фарзанд сифатида ота-онасининг ишончини оқлаш ва укаларига наумана бўлиш ниятида олий ўкув юртига киришга ҳаракат қилаётганилиги кўрсатиб ўтилган. Аслида атрофдаги кўнишнилар, демак маҳалла фаоллари ҳам Колянинг хатти-ҳаракатлари бундан анча йироқлигини яхши билишарди. Бу ўш йигит айнан иродасизлиги, мустакил фикрга эга бўлмаганлиги сабаб ҳам кетини ўйламасдан ҳаётда энг осон ўйлени танлаши афзal билди. Вижданон меҳнат кадрни билмагани боис у ёшлик гаштини яхши кинини, ресторан ва қаҳважоналарда айш-ишрат кишишда деб тушунди. Албатта, бундай эхтийжаларни кондириш учун чўнта ҳам бақувват бўлиши лозим эди. Лекин Коля бу масаладан тезда ҳал этди, аниқроғи бунда унга ўзини кадрдан деб таниширган тасодиғий ўткоҳари ёрдам бера бошлади. Уларнинг ёрдами эса Коляни мўлжалланган манзиллар бўйича ўғрилик содир этишига тайёрлашдан иборат эди. Ҳа, Коля тез орада «ишни» бир ўзи яхши уддалашга ўрганди. Аммо унга бирорларнинг ўйини тунаб ортигриган бойликларидан атиги бешдан бир бўлғи тегарди, асосий қисмими унинг «қадрдан» дўйстлари тортиб оларди...

— Мен учун панжара ортида ўтган беш ой бутун умрдек туюлди, назаримда ёшлигимни ўқотиб кўйган дайди Коля. — Ота-онам, укаларим юзини ерга қаратдим, аводдимизига исонд қелтирдим. Нима учун... Бир кунлик лаззатни устун кўйиб, ўша ҳаёлй орзулас оғушига шўнгиге кетишининг оқибати нималигини энди тушуниб етдим... Мен учун хозир энг муҳими, жисмоний меҳнат қилинадиган ишга ҳойлашиб, ички кўркувни ёнгуб олиш...

Йўқ, Коля яна ножӯя ҳаракат

килишдан ёки жиноят содир этиб кўйишидан эмас, балки атрофда одамлар бўла тириб ёлғизлизни колишдан кўркади. Биз унинг яшаш жойидаги профилактика нозори билан сухбатлашганимизда, бундай

турмушга йўналтириш масаласига қартилмоқда. Ҳусусан, шаҳар ва туман комиссияларни зиммасига тегиши равишда жазодан озод этилганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳужжатларини тиклаш; диспансеризация куригидан ўтказиш, зарурят тиғисла тўсиқсиз стационар ёки амбулатор шароитда даволанишини таъминлаш; иш ёки ўқиши билан банд килиш; доимий яшаш манзили бўлмаганларни ўйжой билан таъминлаш, рўйхатдан ўтказиш; вояга етмаганларни оталиқка олиш юзасидан қининаётган ишларни мувофиқлаштириш юклатилган.

Тошкент шаҳар мослаши маркази маълумотига кўра, мазкур Фармон талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир озод этилган шахснинг тегиши ҳужжатларини тиклаш, уни яшаш жойи билан таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, моддий ёрдам кўрсатиш ва бошقا масалалар юзасидан муайян амалий ишлар килиб келинмоқда. Жумладан, шу кунга қадар Тошкент шаҳри бўйича 392 киши жазони ўташ муддатидан олдин озод этилган бўйи, шундан 20 нафарини — аёллар, 9 тасини эса вояга етмаганлар ташкил этади. 309 нафар шахснинг паспорти тикланган ва ҳар биря яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, 339 таси тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилган. Шаҳар бўйича бундай шахсларга моддий ва маънавий кўмак сифатида 13,2 миллион сўмга тенг ёрдам кўрсатилган.

Мехнат ва ахолни ижтимоий хўмоя килиш бош бошқармасининг туман бўлимлари томонидан тегиши тузилмалар билан ҳамкорликда жазони ўташ жойларидан қайтгандарни ишга ҳойлаштириш, хошиистагини инобатга олган ҳолда маҳсус ўкув марказлари қошида биронбир таҳассуслика үкисиши юзасидан тегиши ишлар килинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу Фармон мамлакатимизда айни пайтда бағрикенглик, саҳоват-пешалик, инсонпарварлик, меҳр-муруват ва кечирмилликини ўзида акс эттирувчи демократик ва умуминсоний тамоилилар устуворлигининг ёрқин далилидир. Шубҳасиз, Фармон ижроси кимнинг зиммасида бўлмасин, уларнинг ҳар бир ўз ва зиғисига сидқидилдан ва масъулият билан ёндошиб, билиб-бilmай конунни четлаб ўтгандарга ҳар тоғонлама этиборли бўлишга, уларнинг ўзига ва ўзгаларга ишончини тиклашга, муносаби ҳаётга қайтишига рахманомик қиладилар. Шу билан бирга ҳаётда адашгандарни кечириш ва жамиятда ўз муносаби ўрнини эгаллаши учун ҳар биримиз масъул ва бурчли эканлигимизни унутмайлик.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Мумаликарда

ФАЗАЛХОН ЁШЛИГИМ

Бугун ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш жамиятимиз олдида турган устувор масалалардан биридир. Айниска, келажакимиз ворисларида мумтоз адабиётимиз, тарихимизга бўлган қизиқини, уларнинг бу борадаги билим ва малакасини ошириш максадида мамлакатимиз халқ таълими тизимидаги бир катор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Юнусобод туманинда ҳалқ таълими бўлими ташаббуси билан 63-ўрта умумтаълим мактабида «Фазалхон ёшлигим» деб номланган адабий кечани ўтказишдан кўзланган маҳсадни ҳам ана шу умуммиллий қадирятиларнида хос хурмат-этихорим саломатлиши мумкин.

Адабий-бадий кечи ижодий мунозара, ўзаро фикр алмашни руҳида ўтди. Үнда тумандаги 30-мактабдан келган иктидорли ўқувчилар ҳам иштирок этишиди. Тадбирда қизиқарли саҳна кўринишларини на-

мойиш қилишди. Ўзларининг мумтоз бадијитимиз ҳақидаги билимларини синаф кўриши.

АЁЛ — МУҚАДДАС СИЙМО

Жамиятда аёллар ролини ошириш, уларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини химоя килиш сингари вазифалар ҳуқуматимизнинг доимий ётибирида.

Хозирги кунда бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Сергели туман ҳалқ таълими бўлими мутасаддилари мактабларда «Жамият тараққиётida хотин-қизлар ўрни-менинг тасаввуримда», «Жаннат оналар обғи остидадир», «Сен доимо мукаддассан, мукаддас аёл» каби мавзуларда иншолар кўрик-танновини эълон килиди. Үнда 9,10,11-синфларда ўқиётган, иктидорли, ёзма саводхонлиги юкори ўқувчиликларни ўтказишади.

Мазкур тадбирнинг якуний боскичи 20 февраль куни бўлиб ўтди. Үнда ўз иштедодини намойиш этган ўқувчиларни маънавий рағбатлаштириш кўзда тутилган.

ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА

Маънавки, таълим-тарбия соҳасида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксариятини аёлларимиз ташкил этади. Шу маънода уларнинг фикр-истаслари, мулоҳазалар билан қизиқиши буғунги куннинг мухим талабларидан биридир.

Куни кечи Акмал Икромов туманидаги «Ором» ўқув таълим-тарбия марказида бўлиб ўтган шаҳар мактабларда муаллималик қилаётган хотин-қизлар билан ўтказилган учарашуда ҳам аша шу масала атрофиди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, А.Икромов туман ҳалқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда эълимизини сукобли шоираси Турсуной Содирова сўзга чиқар экан аёл ва унинг таълими жараённи кўшадиган хиссаси ҳақида батағиши тўхтаби ўтди. Бундан ташкиларни ишагида таълим жараёнидаги ислоҳотлар саломатлиши, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат, қизларнинг мактабдан кейинги ҳаётни хусусидаги масалалар юзасидан муносабати фикрлар ўтрага ташланди.

Хидорали ПАНЖИЕВ

Ажабо

ҚУДУКҚА ТАШЛАНГАНЛАР

Хар бир халқнинг қадимдан колгандар урф одатлари бор. Уларнинг зарарли томонлари вактлар ўтиши билан йўқолиб боради. Биз булардан баъзиларини эслаганимизда, жатто ҳяратта тушилди.

1942 йил охирида Христофор Колумб тушган кемалар Америка қоргоқарига биринчи бор йўл очиши билан испан ихтирочилари алдаб ва зўравонлик йўли билан Мексика ва Панаманинг маҳаллий халқи бойликларини талонтароз қила бошладилар. Янги очишлиг ўлкага йирткич ва очкў колонизаторлар билан бирга дин пешволовари ҳам бойлик кўмас, океан кезиб етиб келишиди. Улардан бирни епископ Диенго де Ланда эди. У Марказий Америкада яшовчи маҳаллий Майя халқи пойтихатида жойлашган сехрли кудук тўғрисида ҳабар берди.

Кадимий Майя халқи яшаган жойларда ёз ойлари ёғин-сочин жуда кам бўлиб, бази ийларни экилган экинлар қожираб кетарди. Яна очлик гирдоидиба колмаслик йўлини қидириб, халқ Ҳудога мурошад этарди. Сергавжум ва обод шахар чеккасади сехрли кудук бор эди. Бу кудук табиий чукур бўлиб, унинг диаметри 60 метрга якин, чукурлиги 25 метрга тенг эди. Кудук четлари оҳактошдан иборат. Майя халқининг ишончига кўра, кудук тагида ёмғир худоси Чак яшар экан.

Ез кунларининг бирисида, ярим яланоч одамлар худойдилк нарсаларини ушлаб олиб, турнакатор бўлиб кудук томон йўли ошишади. Одамлар кудук атрофини гир айланиб олиб, кабила бошлигининг баланд овоз билан айтган сўзларини қайтаришарди. Бу халқнинг юраси сўзлари, оғир ҳаётдин боласи, ёмғир Ҳудосидан бир томчи сув сўраб қилган илтиҳоларий атаганларини кудукка ташлар эдилар. Кўп халқларда Ҳудо ёзрак киши сифатида тасвириланади. Шу сабабли Майя халқи қабиласидаги ёнгузал ван ўн сўзсан-ўн тўқус ёшдан ошишган кизин кудукка ташлар эдилар. Бу киз шу куни жуда ҳам безатилар ва Чак Ҳудосига бу курбонлик албатта ёкишига амин эдилар. Кудукка ташланган киз ҳар доим ҳам ўз ихтиёри билан бу ишга юрамас, одатда уни, уч кун ичиди ёмғир ёғиши билан қайтиб келасан, деб алдади эдилар. Ёмғир эса, тез кунда ёғавермасди.

Испаниялик ёпископ Диенго де Ланданинг Чичен-Ици кудуги тўғрисидаги хабари билан дунёнинг кўпчилик одамлари кизиқиб қолишиди. Улардан бирни американлик олим Э.Г. Томпсон 1904 йили кудук ичидаги бойликларни олиши масаксиди унинг ичидаги лой аралаш массани маҳсус машина ёрдамида чиқара бошлади. Иш кунлари бирин-кетин уттарди. Кудукдан олдинига ҳайвонлар суюги чиқа бошлади. Фақат бир неча ҳафта ўтгач, ундан почт ва вазалор олиниди. Нихоят, машина чўмичига биринчи одам склетелиниди. Унинг бош суюги текширилганда, у ҳакиқатдан ёш одамники эканлиги аниқланди Э.Г. Томпсон ўзи водалас костюмини кийиб, сехрли кудук тагига тушиади, шунда у Диенго де Ланда хабари рост эканлигига амин бўлди. Экспедиция кудук тубидан одам склетели, кийим бўлпаклари, олтин ва кумуш топди.

Кейнинг йилларда Чичен — Ици кудугида ва Марказий Америкадаги бир неча кўлларда олиб борилган археологик кизилмалар қадимги Майя халқининг юксак маданийти тарихидан янгидан янги саҳифалар очди.



Академик шоиримиз Фафур Ғулом: «Йигит омон бўлса ҳавфу ҳатар йўқ, қалон бор, қальва бут, курғон саломат», дега лутф этган эди. Дарҳақиқат, юртимиз тинчлиги, элнинг осоишиштаги йўлида заҳмат чекиши ҳар қандай оловқалб йигитнинг фарзу қарзидир. Сурратча чукуррот разм солинг: кўзларида шижоат ва жасурлик ёлқинланиб турган ўслиринилар катта авлод вакилдан ўғит тингламоқда. Демакки, Ватаннинг эртаси ишончли кўлларда.

МАҚСАД — ЯНАДА ЮҚСАК ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ

Инсоният келгуси ўн йилликда қашшоқлик даражасини иккни баравар камайтириш имкониятига эга. Бунда миллиардлаб кишилар жаҳон иктиносидёти самараларидан баҳраманд бўла олади. «Ривожланиши сармоз киритиш: Мингйиллик декларациясида баён этилган ривожланиши соҳасидаги мақсадларга эришининг амалий режаси» хисоботи шундай истиқболларни кўзда тутиди. Уни БМТ Мингйиллик лойҳаси — БМТ томонидан жаҳон рејасини ишлаб чиқиш учун маҳсус ташкил этилган мустақил маслаҳат органи тайёрлаган.

Тошкентда мазкур хисобтинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, юртимизда фаолият курсататгай БМТ тизими агентликлари, бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур хисобот 265 нафар етакчи халқаро экспертигинг иккни йиллик кенг кўллами тадқиқотлари натижаларига асосланади ва Мингйиллик ривожланиши мақсадларни амалга оширишга кўмаклашиш борасидаги бағафил режани тақлиф этади, — деди тақдимот маросимида БМТниң ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси ва БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Фикрет Акура. — Мазкур мак-

садларга эриши учун БМТ тизимидаги ташкилотлар турли мамлакатлар ҳукуматлари ва бошқа шериллар билан якин ҳамкорликда, миллий стратегияларни шакллантиришга кўмаклашишда ва уларни амалга оширишда маслаҳат бермоқда. Ўзбекистонда бу мақсадларга 2015 йилга бориб эришиш мумкин. Бунинг учун мамлакатда барча зарур шароит ва заҳира мавжуд.

— Ўзбекистон ҳукумати Мингйиллик ривожланиши мақсадларни борасидаги муйайн мажбuriyatlarni ўз зиммасига олган. БМТ агентликлари билан бирга Миллий мақсадлар ва турмуш даражасини оширишнинг Миллий стратегияси ишлаб чиқилган. Улар республика макамиш шароитига мос келади,

— деб таъкидлари Иктиносидёти вазилириши демография ва иктиомий ривожланиши бош бошқармас бошлиги З. Насридинхўяев. — Улар ахолининг кам таъминланганлик холларини, болалар ўлими даражасини камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш, мактаб таълими сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ҳукуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш, ОИТС ва бошқа касалликларга қарши курашиб, экологик баракорликни таъминлаш мақсадиди, жумладан, Оролбўйда экологик инцироз оқибатларини бартараф этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда ўзбекистонда гендер бўйича кисқача маълумотномасинги янги, тўлдирилган нашири тақдим этилди. Бу тўлпам хотин-қизлар муммалори билан шугулланувчи мутахассислар учун жуда кўл келади.

ЎЗА

саф-харажат даражасидан юкори. Юртимизда барчанинг таълим олиши имконияти таъминланган, қатор мақсадли давлат дастурларини бажариш ҳисобига таълим сифати мунтазам яхшиланмоқда.

Жамиятда хотин-қизларнинг мавқенини оширишга катта этибор каратилмоқда. Бу борада давлат ташкилотлари билан бирга юзлаб ноҳуумат хотин-қизлар бирлашмалари фаол иш олиб бормоқда. Сўнгги йилларда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари анча пасайди. Репродуктив саломатликни саклашга каратилган фаолиятларни таърихда кенгайтирилапти. Экологик баракорликни таъминлаш мақсадиди, жумладан, Оролбўйда экологик инцироз оқибатларини бартараф этиш борасида ўлкан ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда ўзбекистонда гендер бўйича кисқача маълумотномасинги янги, тўлдирилган нашири тақдим этилди. Бу тўлпам хотин-қизлар муммалори билан шугулланувчи мутахассислар учун жуда кўл келади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

Мунахжим башорати

ЯХШИ КАЙФИЯТ ЯРАШАДИ

18 февраль, жума

Умуман, бу кунни мунахжимлар жуда мусаффо, маъсум, сипо кунлардан бирни сифатида баҳолашади. Само (юлдузлар) шу куни ёлғончилардан юз ўғиради. Шу куни туғилган кишилар конун, тартиб-коидаларга риоия киладиган, уларни химоя этадиган хусусиятга эга бўлишиади.

Имкон кадар кунни ўйда, осойишта шароитда ўтказган маъла. Таъмирлашишларни бошлашиб юбоши, янги жойга кўйиб ўтиш мумкин. Бугунги кун эҳтиослар масаласида олдингиздан анча баркарор бўлса-да, эҳтиётиклик зарар кильмайди.

Шунингдек, бу кун ахборотларни таҳлил килиб, уларни пухта ўзлаштириш, хотираларни тартиблаш, солиши, ҳаёт йўлнини ўзимизда олдингиздан анча баркарор бўлса-да, кильмайди.

Мабодо, бугун ўйда кузуг, дераза ойнаси ёки шиша буюм синиб қолса, ёхуд соат тўхтаб қоладиган бўлса - бўлар нохуаш аломатлар ҳисобланади.

Бу кечак кўрмочи бўлган түшингиз бўйича “буортма беришингиз” мумкин. Факат бунинг учун ўз “буортмангиз” ни тўғри изоҳлаш, саволни тўғри кўйишингиз керак бўлди. Туғда ит ва отларни кўриш - яхшиликка, кушлар ёки яланоч кишиларни кўриш - нохуаш хоталарга далолатдир. Лекин, умуман олганда, бугунги түшлар ҳар бир одам учун алоҳида таъбири этилиши керак бўлди - уларни умумийт тараздада бахолад бўлмайди.

Мазкур кун жамоат ишлари учун, ер участкасида экиладиган экинлар учун, зарур майдонларга жўйа тортиши, эшик, дераза ромларни таъмишлар учун ҳам қулақ келади. Бирон-бир масалада қасам ичиш, шартномаларни имзолаш, ишга жойлашиш мумкин.

Саломатлик масаласида бугун нафас йўллари асаф тизими, кўл бармоқлари хасталикларга мойил бўлади. Кўзларнингизни зўриқтиришмаган. Ҳамомингиз буҳонасида ўзимиз, баданинг ҳуқуқатиши фойдаланишида бўлади. Кўпроқ суюклик, айниска маъданлини шакллантиришга мөмчил.

Кўз, яшил ранглардаги либослар бугунги кунинг кўнглилдагидаги ўтишига ёдам беради. Сарик, кизил ва қора либосларни бугун киймаганингиз мавзул.

Бугун:

- ҳар қандай янги ишни бошлаб юбориш;
- қайфийт шушишнинг эътибор кўлмаслик, кун воже-ходисаларига: “Хенкиси йўк – бундан баттароқ ҳам бўлиши мумкин эди” қабилида юмор хиссийатидан келишади;

— мемҳонлика бориши, концертлар томошаси, ҳар кандай йўл билан ўзингилини овутиш тавсия этилади.

Лўзотган нарасанги айтидан жойига қайтади ва шунинг учун ҳам унга қайтириб ўтиришади. Жатто энг муҳим масалалар юзасидан ҳам раҳбарлар билан бахлашсанг. Саломатлигингизга беътибор бўлманд.

- ўз куч-имкониятларинингизга шубҳа билан қарашга барҳам бериши (зоро, ҳамма ишларнинг жойида бўлади);
- мемҳонлика бориши, концертлар томошаси, ҳар кандай йўл билан ўзингилини овутиш тавсия этилади.

Лўзотган нарасанги айтидан жойига қайтади ва шунинг учун ҳам унга қайтириб ўтиришади. Жатто энг муҳим масалалар юзасидан ҳам раҳбарлар билан бахлашсанг. Саломатлигингизга беътибор бўлманд.

ИЛИНЖ

Қатра

Она бемор эди. Кўрсатилмаган шифокор, килинмаган муолажа колмади. Елиб-юғуриб юргон онанинг кулаган дарахтдек бирдан ёстик тортиш ётиб колиши фарзандларни ва якнинарни довдиратиб кўйди. Онанинг ёбқа туриб кетини учун ҳеч нарсани аямади. Мужхум дард эса чекини демасди.

Она бедор эди. Вужудини кемираётган дард уни кок суръя согяя айлантирганди. Лекин кўнглидаги кўйиган жойи ҳам бор эди. Бўлажак келин ҳам унинг ота-оналари ҳам жуда маъқул бўлганди онага. Бирок кутилмаган машина бу касаллик, ширин орзуларни армонга айлантираётган дард кутлуг маросимни ортга сурисиб, маъшум маросим кунини тобоба якнинариб боради.

Она калибининг туб-тубида бир инлинж туғлидиди: “Келин келса, тузалиб кетаман”. Она тўшада ётиб тўй бошлади. Хайрли ишнинг оркада колиб кетмаслиги учун, кўёб бўлмиш ўғлининг юрагидаги ҳайрон юқини колдириб кетмаслиги учун Аллоҳдан кечак-кундуз соғлик ва умр тиллади.

Яратганинг марҳамати билан Онанинг илтиҳоллари изобатга ўтдими, қасал кўргани ва табрилагани келган янги кишиларнинг: “Худо холаса, ҳали тузалиб кетасиз, келиннинг обёи кутлуг келсин”, деган дуолари сармараси. Она ёбқа турди.

Она жуда беҳол, бемажад эди. У ўзини энди баҳтиёр сезарди. Кечиримли ва қарамли Аллоҳнинг: “Эй, бандар, нимайки тилагинг бўлса, астойдил сўрасан, бераман” деган инонати ва “қадами кутлуг” келин тушширига бўлган ишончилини илинж. Онани ҳаётга қайтарган эди.

Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА

Спорт
**ЙЎЛКАДА —
 КРОСС
 УСТАЛАРИ**

Кишнинг қаҳратонига қарамай сувда сузувчи «морж»лар ва югурувчилар энг соглом кишилар сирасига киради. Шахризмиздаги «Пахтакор» стадионида кросс бўйича бўлиб ўтган ўзбекистон чемпионати бакслари давомида бунга яна бир бор амин бўлди.

Қатнашчилар — республика мазмунини кўпгина вилоятларидан келган 150 дан ортиг спортичлар узоқ мағоларга, яъни 5, 6, 8, 10 километрга югуриш бўйича ўзаро беллашиб болибларни аниқладилар.

Бакслар икки гурухга бўлинган Тошкент шаҳри ва вилоятлар терма жамоалири ўтрасида бўлиб ўтди. Биринчи гурухдан ўрин олган шахrimиз югурувчилари 79 очко жамғаргандарни ҳолда умумжамоа хисобида иккичи ўринни эгаллашга мудафака бўлдилар. Ушбу гурухда болибларни Тошкент вилояти спортичлари кўлга кириди.

Иккичинchi гурухда эса рақибларидан анча ўзбек кетган қашқадарёлар кросс усталири зафар кутиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чемпионатда фахрийлар ҳам катнашиб, ўз маҳратларини кўрсатишида ва ёшларга ўрнак бўлиши.

**БОКСЧИМИЗ
 ЯНА ГОЛИБ**

Ўзбек бокс мактаби доворгини жаҳонга танишида Олимпиада ўйинларининг голиби Муҳаммадкордир Абдуллаевнинг хам ҳиссаси катта бўлмоқда. Шуни кувонч билан таъкидлаш жоизки, Осиё, жаҳон чемпиони бўлган, Олимпиадада зафар кучган Муҳаммадкордир ҳаваскор боксчилар ўтрасида жуда кам спортичларга насиб этувчи барча расмий нуғузли турнирларда галаба нашидасини суригша мудафака бўлган чарм кўлкон усталари сирасига киради.

Энг муҳими М.Абдуллаев профессионал рингда ҳам чиройли ғалабалари билан мухлисларини хушнуд этмоқда.

Куни кечада Муҳаммадкордир Германиянинг Штутгарт шаҳрида Аргентина вакили Хуан Алберто Годойга карши ўтказилган «жанг»да WBO ўйинлиши бўйича китъалараро олтин камари ни муносиб ҳимоя қилди. Учинчи раунд бошларida рақибига кучли зарбалар «ёмири»ни ёғдириган ҳамортизим нокаут орқали ғалаба қозониб, ғалабалари сонини ўн бештага етказди.

(Ўз мухбириимиз)

FAMХЎРЛИК НАМУНАСИ

Тошкент ҳалқаро аэропортидан ўзбекистонлик олти нафар бемор болалар даволаниш учун Германияга юборилди.

Мустақиллик йилларida аҳолини мухтоҷ катламларини ижтимоий жиҳатдан кўллаб-куватлаш борасида хукуматимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика Вазирлар Мажкамасининг «Меҳр ва муруват юли» давлат дастурни ўйнади. «Оиласда тибий маданиятни ошириш аёллар соглини мустаҳкамлаш, соглом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ғамхўрликнинг намунаси хисобланади. Ушбу жарабаёнда нафакат давлат ташкилотлари балки нодавлат ташкилотлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларни кўшишмоқда. «Соғолом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғармаси Германиянинг «Фридендорф Интернейшнъ» ҳалқаро ташкилотлари ва Республика Соғлини сақлаш вазирлиги ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Мазкур шартномага биноан ўтган давр мобайнида Германия клиникаларида 45 нафар ўзбекистонлик бемор болалар даволандилар. Ҳозирда эса 12 нафар бемор болалар даволанишини давом этирилмоқда.

«Смайл Трейн» ҳамда Германиянинг «Фридендорф Интернейшнъ» ҳалқаро ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик килинмоқда.

2002 йилда «Соғолом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғармаси Германиянинг «Фридендорф Интернейшнъ» ҳалқаро ташкилотлари Раҳабкорликни сақлаш вазирлиги ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланган эди. Мазкур шартномага биноан ўтган давр мобайнида Германия клиникаларида 45 нафар ўзбекистонлик бемор болалар даволандилар. Ҳозирда эса 12 нафар бемор болалар даволанишини давом этирилмоқда.

«Фридендорф Интернейшнъ» ҳалқаро ташкилотининг грант маблаги (10 минг евро) хисобига 1-сонли Тошкент давлат тибийёт институти ва бир қатор вилоят клиникалари билан биргаликда 203 нафар республика маддасидаги «Юқори лаб ва танглайнинг тұғма нұқсанлары» билан оғриган бемор болалар операция қилин-

ди. Жорий Сиҳат - саломатлик йилида ҳам мазкур операциялар мудафакаётли амалга оширилмоқда.

Жамғарма Сиҳат - саломатлик йилига бағишилган хайрия тадбирларини давом этирилмоқда. Тошкент ҳалқаро аэропортидан тұгма лаб-танглай нұқсони, тұсма пастки жағнине нұқсони, пастки жағ ривожланиш аномалияси, күйидан кейинги контрактура касаллукларига қалинган олти нафар ўзбекистонлик болаларнинг даволаниши учун Германия жұннатылёт-ғанлығы шулар жумласидандыр. Германиядың болалар билан биргә жамғарма вакили ҳам жұнаб кетди. У шуба бемор болаларни касалхоналарга жойлаштириб, у ерде тұлға даволанган 7 нафар ўзбекистонлик болаларни олиб қайтады.

Германининг «Фридендорф Интернейшнъ» ҳалқаро ташкилоти 1967 йил ташкил топтан бўлиб, дунёдаги 25 дан ортиг давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиди. Ҳамкорлик доирасида ривожлашып мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулана-ди.

Алоуддин ФАФФОРОВ,
 «Туркестон-пресс»

Танловлар

ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Сергели туман умумтаълим мактаблари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзууда кўрик-тандов ўтказилди.

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими, туман прокуратуруси, туман суди, туман ИИБ бўлими, туман ҳалқ таълими бўлими ҳамкорликларидан ташкил этилди. Республика маддасидаги ёшлар ўртасида хукукий таълим тарбияни тақомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигини ёшлар онгига сингидириш, амалдаги қонунлар мөхиятнин ўсбид келаётган ёш автола ўргатиши максадида ўтказилган танловда тумандаги касб-хунар таълими мусассасалари ўқувчилари иштирок этилди.

Танловнинг саралаш босқичида тумандаги 305, 2-мактаб ўқувчилари болибларни кўлга кириди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Кейинги вактларда шахrimиз кинотеатрларida намойиш этилаётган турли мавзуулардаги янги бадий фильмлар киномухлислар этиборини жалб этиб келмоқда.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Якинда республика Киночилар уйида янга янги «Севги фазоси» деб номланган бадий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. «Кўзгу» студияси томонидан яратилган ўшбу фильмни истедодли ёш режиссёр Мирмаксуд Охунов, сценарий муаллифи Кудратилла Файзуллаев, оператор Рустам Муродов, рассом Акмал Таскинов, бастакор Убайдулла Каримов ҳамкорликда экранга олиб чиқиши. Томошабинлар хукмига ҳавола этилаётган «Севги фазоси» фильмни қархонларнинг кенингмаларига, қизикарли воқеиликларга бой, тасъирчан даражада суратга олинган бўлиб, диди ўтири, қизиқувчан мухлис диккатини ўзига тортмай кўймайди. Фильмдаги асосий мавзу талаба-ёшлар ҳаётидан олинганд бўлиб, уч қархонам, уч тақдир, учта севги қиссаси ифода этилган. Шунингдеги, ёшларнинг илк соғ мұхабблатлари, ҳаёт синовлари, севгининг кувонч ва ғизтироблари фильмда тасъирчан лавҳаларда акс этирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, режиссёр Мирмаксуд Охунов ва оператор Рустам Муродов учун бу иккичи ҳамкорликдаги яратилган асардир. Фильмдаги асосий ролларни Бекжод Тохижев, Жонғир Позилжонов, истедодли ёш хонандада Едгар Мирзажонов, шунингдеги, ёш актриса Гулчехра Эшон-



кулова ва дебютант ижрочилар Сайёра Файзиева, Элеонора Катиболоватолар яратишган.

— «Севги фазоси» фильмни ёшлар ҳаётидан яратишган бўлиб, унда жумладан соғ севги, дўстлик, чин инсоний кадрийлар тараннум этилган, — дейди «Кўзгу» студиясининг раҳбари, фильм сценарий муаллифи Кудратилла Файзуллаев. — Ўтган йил студиямиз учун ачка омаддига ишлаб. Негаки студиямизда яратилган «Севгин» фильмни бигза ҳақиқий маънода севинч ва омада келтириди. Шундан сўнг ижодий кўтариликни билан «Сев-

ги фазоси» фильмни яратишга киришидик. «Кўзгу» студияси ташкил топғанига 12 йил бўлған бўлса, хозиргача ўндан зиёд фильм яратилган. Шу вакт мобайнида кўпроқ ёшлар билан ишлаб келяпмиз.

Шунингдеги ўнжидий гурухимиз асосан ёшлардан иборат. Фильм киномошабинлар, хусусан ёшларга бағишилган. Ўйлаймизки, у кино шинавандаларига манзур бўлдай.

Дилором ИКРОМОВА
 СУРАТДА: «Севги фазоси»
 янги бадий фильмнинг баш
 қархонларидан

Футбол

ЁШ «ПАХТАКОР»ЧИЛАР ГАЛАБАСИ

Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги мусобақаларининг навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди.

Пойтахт шағарини химоя қилаётган жамоалар учун ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат килаётган ўшбу баҳслар «Пахтакор-2» жамоасига омада келтириди. Ушбу турда «Трактор» билан беллашган ёш «пахтакор»чилар маҳорат бобида рақибларидан устуроқ эканликларини исботлаши. Ҳужумларга бой, қизикарли кечган беллашув «Пахтакор-2» жамоасининг 2:1 хисобидаги ғалабаси билан яқуналди. Шунингдеги, турнирда Бекободнинг «Металлург» жамоаси «Шўртап» клубини йирик 3:0 хисобида мағлуб этди.

Ҳозирда ўз гурухларида «Пахтакор-2» жамоаси футбочилари пешқадам бўлиб туришибди.

Ўзбекистон футбол федерацияси Кубогининг навбатдаги беллашувлари ЭРТАГА бўлиб ўтди.

Анвар ЙУЛЧИЕВ



**Бош мұхаррир
 Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўясаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
 катлар – 133-29-70;
 зертлар – 133-28-95, 132-11-39;
 факс: (3712) 133-29-09.

Хажи – 2 босма табоб, оғефтеси усулида босилди.
 2812 нұсқада босилди. Коюн бинчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рәқам
билинг рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
 пайшанба ва жума кунлари чиқади.
 Напир кўрсаткичи – 563

Нашрии етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги пошта будилларига еки «Тошкент почтамти»га – 133-74-05 телефонига мурожаат килинингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқноми»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наширӣт-маббас акциздорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-йи.